



ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁЗМА АДАБИЁТ ВА УЛАРДА ЎРИН ОЛГАН ТАБОБАТ ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

*Ф.А.Тўхташова, талаба, Тошкент Давлат тиббиёт университети,
Тошкент*

*Илмий раҳбар: Н.И.Рўзиев, ўқитувчи, Тошкент Давлат тиббиёт
университети*

Қадимги турк ёзма ёдгорликлари милодий VII – VIII асрлардан то XII – XIII асрларгача бўлган даврни қамраб олиб, бир қатор хусусиятларига кўра улар шартли равишда “Қадимги туркий халқлар адабиёти”, “Қадимги турк ёзма ёдгорликлари”, “Қадимги турк ёзма адабиёти” деб аталади ва уларнинг тилига нисбатан “қадимги туркий тил” ибораси ишлатилади¹. Бунинг негизида деярли беш юз йиллик бир даврни ўз ичига олишига қарамай ушбу ёдгорликларнинг тилида умумийлик, узвийлик ва изчиллик кузатилиши ётади. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлари эски турк-рун, уйғур, браҳми, араб ва яна бир қатор алифболарда ёзилган бўлиб, уларнинг намуналари асосан Турк хоқонлиги (552-744), Уйғур хоқонлиги (745-840), Қўчу-Турфон давлати (IX – XIV асрлар), Қорахонийлар (960-1212), Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар (1097-1231) даврида яратилган².

Бошланғичда ҳарбий юришлар, хоқонлар фаолияти, қабртошлар, маиший ҳаёт билан боғлиқ воқеликларни қамраб олган қадимги туркий асарлар асрлар ўтган сари баддий, тарихий, диний, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, луғат, таржима ва ҳоказо каби турли мавзуларни ўз ичига ола бошлаган. Ушбу ёзма асарлар орасида табобат билан боғлиқ маълумотлар ҳам учраб, улар орқали

¹ Абдурауф Фитрат. Энг эскитурк адабиёти намуналари. – Самарканд-Тошкент, 1927. – Б. 5-10; Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 3-6.

² Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Содиқов Қ. Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар. Қ. Содиқов транскрипцияси ва талқинида. – Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2016.



қадимги туркий халқларда тиббий маданият қай даражада бўлгани масаласини ёритиш мумкин.

Туркий халқлар ёзма адабиётининг илк ўрнаклари бўлмиш қадимги турк-рун ёзувидаги манбалар асосан VII асрнинг охири – VIII аср бошларига тўғри келиб, уларнинг катта бир қисмини Ўрхун водийси (Мўғулистон), Енисей (Жанубий Сибир), Олтой, Шарқий Туркистон ва Еттисув каби тарихий ўлкалардан топилган турли ҳажмдаги битиктошлар, қоя ёзувлари, металл ва керамик буюмларга ёзилган матнлар ташкил этади. Шунингдек, Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудлардан, шу жумладан, Фарғона водийсидан топилган сопол ва металл буюмлар сиртига ёзилган турли битиклар ҳам қадимги турк-рун алифбосидаги ёзма ёдгорликлар сирасига киради³. VIII асрнинг илк ўнйилликларига тегишли Тунюқук, Кул Тегин ва Билга хоқон битиктошлари Турк хоқонлиги билан боғлиқ бўлса, Муюн-чўр, Қорабалғасун каби битиктошлар Уйғур хоқонлигига тегишли ёзма ёдгорликлардир. Шунингдек, “Ирқ битиг” (Фол китоби) қадимги турк-рун ёзувида қоғозга битилган нисбатан йирик ёзма ёдгорлик ҳисобланиб, тахминан IX асрга тегишли бу асар Уйғур хоқонлиги адабий муҳитига мансубдир.

Илк туркий ёзма ёдгорликлар бўлмиш Ўрхун – Энасой битиктошлари VII аср охири – VIII аср бошларига тегишли бўлиб, уларда инсон соғлиғи билан боғлиқ “иг” (қасаллик), *ағри*- “қасал бўлмоқ”, “арығ” (тозалик, поклик) каби сўз ва атамалар ўрин олган⁴. Масалан, Билга хоқон битиктошида *uluğ oğlum ağrip yoq boluça* – улуғ ўғлим (тўнғич ўғлим) оғриб (қасал бўлиб), йўқ бўлгач (вафот этгач)” жумласи учрайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бугунги кунда ҳам бир қатор туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида “қасал бўлмоқ” маъносида “оғриб қолмоқ”, “вафот этмоқ” маъносида эса “йўқ бўлмоқ” иборалари фаол ишлатилади.

³ Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлиги чоғида Фарғона. – Тошкент: Фан, 2023; Асанов Э. Опыт исследования эпиграфических надписей Ферганы // Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. – 2015. – №12. – S. 7–26.

⁴ User Ş. N. Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı Yazıtları. Söz Varlığı İncelemesi. 1. Baskı. – Konya: Kömen Yayınları, 2009. – S. 325, 348-349.



Қадимги турк ёзма адабиётининг энг ёрқин ўрнакларидан яна бири суғдий ёзув асосидаги эски уйғур ёзувида яратилган турли жанрларни ўз ичига олувчи ёзма ёдгорликлардир. Қадимги турк-рун ёзма адабиётининг давомчиси бўлмиш эски уйғур ёзувида битилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар, адабий ва диний асарлар, таржималар, табобатга оид матнлар ва ҳоказолар етиб келган. Улар орасида бир қисми буддавий турклар муҳитида яратилган, бир қисми эса ҳинд тилидан ўгирилган “Олтун ёрук”⁵, “Шаҳзода Калянамкара ва Папамкара ҳақида қисса”, “Саккиз юкмак” ва ҳоказолар алоҳида ажралиб туради⁶. Шунингдек, моний эътиқоди билан боғлиқ “Хуастуанифт” (Монийларнинг тавбаномаси) диний матнлари ҳам қадимги туркий тилда ёзилган асарлар сирасига киради. Ушбу асарларда учрайдиган сўз ва атамаларда инсон руҳияти, инсонийлик, эзгулик, кундалик ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, эътиқод, ахлоқ, одоб, барчага яхшилик қилиш, ёмон ишлардан узоқ туриш ва ҳоказо каби масалалари ўрин олган. Масалан, Шаҳзода Калянамкара ва Папамкара ҳақида қисса” номли буддавий асарда инсон руҳияти ва кундалик ҳаёти покликка, тозалikka асосланиши кераклигига урғу берилар экан, нафсни тийиш, очкўзликдан сақланиш каби эзгу амаллар ҳақида баҳс юритилади. Қизиғи шундаки, ҳинд буддавий муҳитига хос бу асарда қадимги туркча фалсафий, бадий ифодалар кенг қўлланилган бўлиб, улар орасида “эсан тугал” кўринишида ўрин олган иборанинг бугунги кунда ҳам ўзбек тили ва шеваларида деярли шу кўринишда сақланиб қолгани⁷ диққатни ўзига тортади.

Қадимги туркий ёзма манбалар орасида Қўчу Уйғур идикутлиги (IX – XIV асрлар) маданий муҳитига тегишли эски турк (уйғур) ёзувидаги турли ҳуқуқий ҳужжатлар, табобатга оид матнлар алоҳида ўрин тутади. Соғлик-саломатлик, касалликлар ва уларнинг давоси, даволаш усуллари, тиб қонун-қоидалари, дори-дармонлар ва ҳоказолар бўйича анча кенг маълумотларга эга ушбу манбаларга тадқиқотимизда алоҳида ўрин ажратилгани боис бу ерда

⁵ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1- жилд (Энг қадимги даврдан XIV асргача). – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 375
⁶ Karaköz M. Prens Kalyanamkara me Papamkara Hikâyesinde Budizmin Yansimalari // Uluslararası Türkçe Edebiyat Kültür Eğitim Dergisi Sayı: 9/3 2020. – S. 941-961.

⁷ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – Б. 296.



фақатгина қадимги турк ҳуқуқий ҳужжатларида учрайдиган айрим маълумотларни қисқача келтириб ўтмоқчимиз. Уй хизматчиси бўлган кишига эрк (озодлик) берилиши тўғрисидаги ҳужжатнинг бошланмасида қуйидагичадир: *Taqiğü yıl, üçüncü ay, iki yañıqā men, Köni Quz ağır igkä tegip, ölüp-yütip barğay-men, tep Şiñuy tutuñ begkä, küdägüm Likäkä keñäşip-aytişip, Gäñsidä tuğmiş Burxan Qulı atliğ oğulanqa ögkä-qañqa buyanı tegsün, tep boş bitig berdim* - Товуқ йил учинчи ойининг иккинчи кунида мен Кўни Қуз оғир касалликка чалиниб, ўлиб-йитиб қолмайин дея Шингуй тутунг бег, куёвим Лика билан кенгашиб-сўзлашиб, Гангсида туғилган Бурхан Қули отли ўғлонга (кулга), онамга-отамга савоби тегсин деб, эрк ҳужжати бериб бердим”⁸. Бундан кўринадики, қадимги турклар жамиятида касалланиш, ўлим билан боғлиқ масалалар кўзда тутилган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш анъанаси мавжуд бўлган.

Шунингдек, уй хизматчиси сифатида ижарага берилаётган ўсмир билан боғлиқ олди-берди қилаётган томонларнинг ўзаро келишуви акс этган ҳужжатларнинг бирида “*İgläsär, yeti küinki mün-aş men, Ćintsu Şila berür-men* - Касал бўлиб қолса, етти кунлик қуюқ-суюғини [сўзма-сўз: шўрваси билан ошини] мен, Чинтсу Шила берурман” мазмунидаги жумлалар учраши⁹ ўша кезларда инсон соғлиғи билан боғлиқ масалаларга ҳам катта эътибор берилгани кўзга ташланади.

Гарчи ёзилган даври бирмунча кейинги асрларга бориб тақалса-да, тил услуби жиҳатидан қадимги туркий ёзма манбалар қаторида киритилган ёзма асарлар орасида Юсуф Хос Ҳожибнинг ”Қутадғу билиг” (Саодатга элтувчи билим; XI аср)¹⁰, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ”

⁸ Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар Қосимжон Содиқов транскрипцияси ва талқинида. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2016. – Б. 59, 62.

⁹ Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар Қосимжон Содиқов транскрипцияси ва талқинида. – Б. 88, 90.

¹⁰ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи филология фанлари номзоди Қ. Каримов. – Тошкент: “Фан”, 1971.



(Ҳақиқатлар армуғони)¹¹ асарлари (XII – XIII асрлар) етакчи ўрин эгаллайди. Ушбу асарлар фалсафий ва бадиий асарлар саналса-да, қадимги туркларда соғлиқ-саломатлик масаласига доир бир қатор сўз, атама ва ибораларни ўзида акс эттириши билан муҳимдир. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида соғлом турмуш тарзи, соғлиққа эътибор беришнинг аҳамияти каби масалаларга урғу бериб ёзган бўлса, Аҳмад Югнакий асарида эса инсон ахлоқи, яхши хулқ куйланиб, “ары” (аримоқ, тоза бўлмоқ, покланмоқ), “эм” (даво), “эсан” (эсон, соғ, омон), “иг, йиг” (касал, оғрик), “баш” (яра) ва ҳоказо каби инсон соғлиғи билан боғлиқ сўзлар ўрин олгани кўзга ташланади¹². “Қутадғу билиг”да қадимги турк битиктошларида “пок, соф” маъносида учрайдиган “ары” сўзи “арығлығ” кўринишида тилга олиниб, унинг “софлик” маъносида қўлланилганига дуч келамиз¹³.

“*Bayirsaqliq erdi tugal bu sozum, esan qal salamat e korklug yuzum* – Бу сўзларим барчаси меҳрибонликдан иборат, эсон ва саломат қол, эй юзи кўрклигим” деб ёзган Юсуф Хос Ҳожиб инсон тановвул қиладиган таом унинг соғлиғига катта таъсир қилишига урғу бериб ёзиши ҳам диққатга сазовордир¹⁴. Шунингдек, замонавий таботатда овқатни совуқ ҳолда тановвул қилиш, иссиқ ҳолатда емаслик, иссиқ таомни пуфламаслик, таомни майда чайнаб ейиш саломатлик омилларидан бири сифатида қаралаётган бугунги кунда алломанинг “*Nekü alsa tışla uşaq tançula, isig aşnî ürmä sen ayziñ bilä* – Нима олсанг тишла, майдалаб чайна, сен иссиқ ошни оғзинг билан пуфлама” деган сатрлари қадимги туркларда бу масалага катта эътибор берилганини кўрсатади¹⁵. Шу билан бирга, унинг Юсуф Хос Ҳожиб инсондаги барча дард, касаллик томоқдан киради, шунинг учун ҳам томоқни, яъни нафсни эҳтиёт қилиш керак, деб урғу берар экан, “дарду касалликдан қочадиган, сихат-

¹¹ Югнакий, Аҳмад. Ҳибатул ҳақойиқ. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Қ. Маҳмудов. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1971; Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари ҳақида. **377**
Тошкент: Фан, 1972.

¹² Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари ҳақида. – Б. 250, 254, 256, 264, 267.

¹³ Холмуродова М. «Қутадғу билиг» лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2019. – Б. 38.

¹⁴ Холмуродова М. «Қутадғу билиг» лексикаси. – Б. 82.

¹⁵ Холмуродова М. «Қутадғу билиг» лексикаси. – Б. 81.



саломатлик истаган инсон “оз” деб аталган дорини истеъмол қилиши, фароғат ёки осойишталик тиласа, “тил” деб аталган гўштни ейиши керак”лигини таъкидлаб ёзиши¹⁶ табобат борасидаги ўша кезларда соғлиқка эътибор бериш бадий-ахлоқий асарларда ҳам етакчи мавзулардан бирига айланганини кўрсатиб турибди.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар орасида тиббий маданият, соғлиқ-саломатлик, ҳалқ табобати билан боғлиқ энг кўп сўз, атама ва иборалар, этнографик маълумотлар Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” (Туркий сўзлар девони) (XI аср) асарида ўрин олган. Бу асар араб тилида ёзилган бўлишига қарамай сўзлик – луғат бўлгани, шунингдек, асар муаллифининг туркий муҳитда етишгани боис бу асарни бемалол қадимги турк адабий асарлари қаторига киритиш мумкин. Тадқиқотимизнинг деряли барча бўлимларида “Девону луғати-т-турк”даги маълумотларга кенг ўрин берилгани сабабли бу ерда асарда учрайдиган табобатга доир маълумотларнинг қисқача таснифини бериб ўтиш билан чекланамиз¹⁷: 1) тиббий атамалар; 2) дори-дармонлар; 3) касаллик турлари; 4) даволаш усулларига тегишли атамалар; 5) тиббиёт асбоб-ускуналарига оид сўзлар ва ҳк.

Умуман олганда, қадимги туркий ёзма манбаларнинг кўлами анча кенг бўлиб, улар илк ўрта асрлардан ривожланган ўрта асрларгача бўлган беш юз йилдан ортиқ даврни қамраб олади. Асосан қадимги турк-рун, уйғур, араб ёзувида яратилган ушбу асарларда инсон саломатлиги билан боғлиқ ўнлаб сўз, атама ва иборалар учраб, бу эса қадимги турк жамиятида инсон соғлиғига, соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилганидан дарак беради.

¹⁶ Холмуродова М. «Қутадғу билиг» лексикаси. – Б. 82.

¹⁷ Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3 томлик. – Т.: Фан, 1960–1963.